
ФУРҚАТ ТУМАНИДА 1 КГ МОЛ ГЎШТИ 35 МИНГ СЎМДАН СОТИЛМОҚДА

Фурқат туманида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташаббуси билан муборак Рамазон ойида марказий деҳқон бозорида 1 кг мол гўшти 35 минг сўмдан сотилмоқда. Бу тадбир Рамазон ойи бошидан ташкил этилиб, гўшт нархининг қолган қисми саховатпеша чорвадорлар томонидан қопланиши келишиб олинган.

Фурқатлик фермерлар ўзаро маслаҳатлашган ҳолда Рамазон ҳайити байрами кунлари деҳқон бозорида ташкил этилган ярмарка орқали 1 кг мол гўштини 30 минг сўмдан сотишни режалаштирмоқдалар.

Бундан ташқари, ярмаркада бепул ош тузи, тухум, ўсимлик ёғи, ун ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам арзон нархларда аҳолига етказиб берилмоқда.

Бундай тадбирлардан мамнун бўлган туман аҳолиси дуо қилиб, саховатпешаларга миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-27 14:16:14